



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 28 » февраль

№ ПК–91

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 февралдаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқарувини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–41-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури **1-иловага** мувофиқ;

Техник регламентларни қайта кўриб чиқиш ва янгилаш дастури **2- ва 2а-иловаларга** мувофиқ;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан “Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат муассасаси учун харид қилинадиган эталонлар ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситалари рўйхати **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Аҳолини сифатли ва хавфсиз маҳсулотлар билан таъминлашда давлат назорати тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) **2024 йил 1 октябрдан** бошлаб техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги **ҳуқуқбузарликлар** учун:

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига номувофиқ **маҳсулотни муомаладан чиқариш ёки маҳсулотнинг камида 60 фоизини чақириб олиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажармаганлик** учун – юридик шахсларга реализация қилинган маҳсулот қийматининг **100 фоизи миқдорида молиявий жарима** қўллаш;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига номувофиқ маҳсулотларни **ишлаб чиқариш ва реализация қилиш** ҳолатлари тасдиқланганда, ушбу маҳсулотларга расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатини Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси (кейинги ўринларда – Инспекция) томонидан **тўхтатиб туриш**;

сертификатлаштириш органининг қоидаларга риоя этмаганлиги (шу жумладан, маҳсулот барча мажбурий кўрсаткичларга мувофиқлиги баҳоланмаганлиги) натижасида сифатсиз маҳсулотлар реализация қилинганлиги ҳолатлари аниқлаганда, мазкур органнинг сертификатлаш фаолиятини Инспекция томонидан тўхтатиб туриш;

б) “хавфни таҳлил этиш” тизими натижаларига асосан ўтказиладиган текширувларнинг бошланиши ҳақида тадбиркорлик субъектини хабардор қилиш тартиби Инспекция томонидан амалга ошириладиган назорат тадбирларига татбиқ этилмаслиги.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2025 йил 1 январдан** бошлаб:

“Ўзбекистон аккредитация маркази” давлат муассасаси томонидан мувофиқликни баҳолаш органларида ўтказилган баҳолаш жараёнида олдин аниқланган камчиликлар такроран аниқланганда, камчиликлар такрор йўл қўйилган соҳа аккредитация доирасидан чиқарилади;

мувофиқликни баҳолаш органлари фаолиятида халқаро стандартларга риоя этилишини тизимли баҳолаб боришни назарда тутувчи халқаро даражада тавсия қилинган услублар жорий қилинади ва аккредитация жараёнларида қўлланади;

белгиланган тартибда **малака оширмаган ва аттестациядан ўтмаган** мутахассисларнинг мувофиқликни баҳолаш органлари ва синов лабораторияларида фаолият олиб бориши тақиқланади.

4. Агентлик ва Рақамли технологиялар вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида **шаффофликни таъминлаш ва коррупциядан ҳоли тизимни** яратиш мақсадида **2025 йил 1 январга** қадар **4-иловада** кўрсатилган асосий имкониятларни назарда тутувчи **“Техник тартибга солиш”** миллий ахборот тизимини ишга туширсин.

“Техник тартибга солиш” миллий ахборот тизимини яратиш, ишга тушириш ҳамда вазирлик ва идораларнинг идоралараро ахборот тизимларига интеграция қилиш билан боғлиқ барча харажатлар Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгилаб қўйилсин.

Рақамли технологиялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Статистика агентлиги, Солиқ қўмитаси ҳамда Агентлик 2025 йил 1 мартга қадар “Техник тартибга солиш” миллий ахборот тизимини солиқ, божхона ва статистика органлари ахборот тизимларига интеграция қилиш ишларини якунига етказсин.

5. Белгилансинки, 2025 йил 1 январдан бошлаб:

мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш, маҳсулотларни давлат рўйхатига олиш, мувофиқликни баҳолаш органлари ва синов лабораториялари томонидан синов баённомалари, мувофиқлик сертификати ва декларацияни расмийлаштириш жараёнлари фақат “Техник тартибга солиш” миллий ахборот тизими орқали амалга оширилади;

маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш учун талаб этиладиган вақт меъёрлари “Техник тартибга солиш” миллий ахборот тизимига киритилади ва уларга риоя этилиши “хавфни таҳлил қилиш” тизими орқали баҳоланади.

6. Агентлик марказий аппарати тузилмасига Агентлик директорининг рақамлаштириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими киритилсин.

7. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг ташкилий тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Агентликка юкланган вазифалар ўз вақтида, сифатли ва тўлақонли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Агентликка ва Инспекцияга маъмурий ислохотлар доирасида вазирлик ва идоралардан мақбуллаштирилган штат бирликлари ҳисобидан **54 та штат** бирлиги ажратилсин.

Агентлик ва Инспекция бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони **153 нафар** этиб белгилансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги қўшимча ажратилаётган 54 та штат бирлигини сақлаш билан боғлиқ харажатларни жорий йилда – 2024 йил учун Давлат бюджетида кўзда тутилган маблағлар доирасида, 2025 йилдан бошлаб эса – Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда назарда тутсин.

8. Белгилансинки:

Агентлик директорининг ўринбосарлари ҳамда Инспекция бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан, Агентликнинг бошқа тизим ташкилотларининг раҳбарлари Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

Агентлик директориға меҳнат бозорининг конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, тор доирадаги мутахассисларни, шу жумладан хорижий мутахассисларни шартнома асосида ишга жалб этиш ҳуқуқи берилади.

9. Белгилансинки:

Агентлик ва Инспекция ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари **6-иловага** мувофиқ белгиланади;

Агентлик директориға Агентлик ходимларига Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг икки баравари миқдоригача устама ва қўшимча ҳақ тўлаш, мукофотлаш ва бошқа рағбатлантириш тусидаги ҳамда компенсация тўловларини белгилаш ҳуқуқи берилади.

10. Агентлик директори ва адлия вазири А. Ташкулов Агентлик ва унинг тизим ташкилотлари ходимларини **уч ой муддатда** аттестациядан ўтказиб, ўзига юкланган вазифалар самарали бажарилишини профессионал даражада таъминлашга қодир бўлган ҳалол кадрлар билан тўлдириш учун масъул ва шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2024 йилда ушбу қарорга 3-иловада кўрсатилган эталонларни харид қилиш учун Давлат бюджетидан Агентликка маблағлар ажратилишини, 2025 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда эталонлар харид қилиш билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағлар назарда тутилишини таъминласин.

12. Агентликнинг “Ўзбекистон илмий синов ва сифат назорати маркази” ва “Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат муассасаларига зарур бўлган стандарт намуналар, газ қоришмалар, кимёвий реактив ва реагентларни харид қилиш ҳамда ўлчаш воситаларини хорижий метрология ташкилотларида калибрлаш учун тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат этилсин.

13. Агентлик бир ой муддатда:

соҳалар ва тармоқлар кесимида халқаро стандартларни қабул қилиш бўйича мақсадли кўрсаткичларни;

“Ўзбекистон илмий синов ва сифат назорати маркази” ва “Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат муассасалари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилинадиган стандарт намуналар, газ қоришмалар, кимёвий реактив ва реагентлар рўйхатини;

“Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат муассасаси томонидан янги калибрлаш ва қиёслаш ишларини ташкил этиш учун харид қилинадиган намунавий ўлчаш воситалари рўйхатини;

Халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилоти (OIML) ҳужжатлари асосида метрологик меъёр ва қоидаларни қабул қилиш режа-жадвалини тасдиқлаш учун Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасини ривожлантириш бўйича идоралараро республика кенгашига киритсин.

Бунда, халқаро ва Европа стандартларини харид қилиш, давлат тилига таржима қилиш ва экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ харажатларни соҳалар ва тармоқларга масъул бўлган идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ташкилотлар, шунингдек, Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан молиялаштириш назарда тутилсин.

14. Энергетика вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, “Ўзчармсаноат” уюшмаси, “Ўзавтосаноат” АЖ, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “Ўзбекнефтгаз” АЖ Агентлик билан биргаликда **бир ой муддатда** маҳаллий экспортбоп маҳсулотларга тегишли халқаро стандартларни аниқлаб, уларни амалиётга жорий этишнинг ойма-ой тармоқ жадвалини Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасини ривожлантириш бўйича идоралараро республика кенгашига киритсин.

15. Агентлик ва Адлия вазирлиги (А.Ташкулов) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда мазкур қарорнинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритсин.

16. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 333а-уйда жойлашган бино-иншоотлар Агентлик тасарруфида қолдирилсин.

17. Агентлик манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Агентлик директори белгилансин.

Қарорнинг ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш. Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 28 февралдаги ПҚ–91-сон қарорига
1-илова

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасини янада такомиллаштириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш					
1.	Техник регламентларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш қайта кўриб чиқиш, бекор қилиш тартибини такомиллаштириш.	1. Техник регламент лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, муҳокама ва экспертизадан ўтказиш, қабул қилиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ҳукуматга киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил май 2024 йил июнь 2024 йил июль	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва тизим ташкилотларининг ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали “Техник тартибга солиш” миллий ахборот тизимини ишга тушириш.	1. “Техник тартибга солиш” миллий ахборот тизимининг лойиҳа техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда: техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг 6 та ахборот тизими (“E-standart”, “E-metrologiya”, “E-laboratoriya”, “E-sertifikat”, “E-akkreditatsiya”, “E-hajm”) ва 2 та портал (“Hududstandart”, “TBTINFO”)ни ўзаро интеграция қилиш орқали “Техник тартибга солиш” миллий ахборот тизимига бирлаштириш; техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги тасдиқланиши мажбурий бўлган товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари импорти ва сифатсиз деб	Ташкилий чора-тадбирлар	2024 йил июнь	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		топилган маҳсулотлар тўғрисида ўзаро маълумот алмашиш тизимини йўлга қўйиш; мувофиқлик сертификатларини ўзбек, рус ва инглиз тилларида расмийлаштириш назарда тутилади. 2. “Техник тартибга солиш” миллий ахборот тизимини ишга тушириш.		2025 йил 1 январь	
3.	“Техник тартибга солиш” миллий ахборот тизимини бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро интеграция қилиш.	“Техник тартибга солиш” миллий ахборот тизимини солиқ, божхона ва статистика органларининг ахборот тизимларига интеграция қилиш	Ташкилий чора-тадбирлар	2024 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Статистика агентлиги, Солиқ қўмитаси, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
4.	Бюджетдан ташқари жамғарма ва грант маблағлари ҳисобидан халқаро тажриба ва стандартларни ўрганиш орқали Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги фаолиятини ва соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш.	1. Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан музокаралар ўтказиш орқали соҳага халқаро экспертларни жалб қилиш. 2. Халқаро экспертлар билан узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйиш. 3. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида тажриба алмашиш мақсадида ривожланган давлатларга хизмат сафарларини ташкил этиш. 4. Ўрганиш натижалари асосида соҳани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2024 йил давомида	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
5.	Халқаро стандартлар ва талабларни қабул қилиш орқали барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш.	1. Энергия самарадорлигини ошириш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш бўйича таҳлиллар ўтказиш. 2. Халқаро стандарт ва талаблардан келиб чиқиб, энергия самарадорлиги бўйича стандартлар ва қоидаларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, халқаро (минтақавий) стандартларни қабул қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2024 йил май	Энергетика вазирлиги, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Экология вазирлиги, Қурилиш ва коммунал хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
II. Аккредитация ва метрология йўналишларини такомиллаштириш					
6.	Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда ўлчашларни бажариш услубиётларини ишлаб чиқиш ва метрологик аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш.	1. Ўлчашларни бажариш услубиётларини ишлаб чиқиш ва метрологик аттестациядан ўтказиш тартибини тасдиқлаш. Бунда қуйидагилар белгиланади: ўлчашларни бажариш услубиётини ишлаб чиқишдаги дастлабки маълумотлар тавсифи; ўлчашларни бажариш услубиётининг таркибий қисмлари; ўлчашларни бажариш услубиётини регламентловчи ҳужжатнинг мазмуни. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ҳукуматга киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил май 2024 йил июнь 2024 йил июль	Адлия вазирлиги, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Савдо-саноат палатаси
7.	Халқаро ўлчов ва тарозилар бюроси базасида Ўзбекистон Республикасининг калибрлаш ва ўлчаш	1. Халқаро ўлчов ва тарозилар бюроси базасига киритиладиган Ўзбекистон Республикасининг калибрлаш ва ўлчаш имкониятлари ҳақидаги маълумотларни тайёрлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2024 йил давомида	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	имкониятлари ҳақидаги маълумотларни киритиш чораларини кўриш.	2. Ўзбекистон Республикасининг калибрлаш ва ўлчаш имкониятлари ҳақидаги маълумотларни Халқаро ўлчов ва тарозилар бюросига тақдим этиш.			
8.	Ўзбекистон Республикасида вақт ва частота хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш.	1. Ўзбекистон Республикасида вақт ва частота хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда ўлчаш натижалари давлат аҳамиятига эга бўлган ўлчаш воситалари туркумлари рўйхатини тасдиқлашни назарда tutuvchi норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ҳукуматга киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил март 2024 йил апрель 2024 йил май	Адлия вазирлиги, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
III. Мүвофиқликни баҳолаш йўналишини такомиллаштириш					
9.	Хорижий давлатларда маҳсулотларга қўйилган мажбурий ва қўшимча талабларни ўрганиш ва таҳлил қилиш механизmlарини жорий қилиш.	1. Савдо-саноат палатасида тадбиркорларнинг сўровига асосан хорижий давлатларда маҳсулотларга қўйилган мажбурий ва қўшимча талаблар бўйича маълумот тақдим этиш фаолияти билан шуғулланувчи бўлинма ташкил этиш. 2. Тадбиркорларга хорижий давлатларда маҳсулотларга қўйилган мажбурий ва қўшимча талаблар бўйича маълумот тақдим этиш тартибини ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил май 2024 йил июнь	Савдо-саноат палатаси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
10.	Экспортчи корхоналарга халқаро сифат тизимларини жорий этишни кенгайтириш	1 200 та экспортчи корхоналарда сифат менежменти тизимининг халқаро стандартини жорий этиш чораларини кўриш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2024 йил давомида	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
					Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
IV. Ўзбекистон стандартлар институти фаолиятини такомиллаштириш					
11.	Стандартлар электрон фондига обуна бўлиш имкониятини яратиш.	Ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда стандартлар электрон фондига муайян давр учун (ойлик, йиллик) пуллик обуна бўлиш йўли билан исталган стандартни кўриш ёки кўчириб олиш имкониятини яратиш.	Ташкилий чора тадбирлар	2024 йил апрель	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
12.	Стандартларга киритилган ўзгартиришлар тўғрисида манфаатдор шахсларни хабардор қилиш тартибини жорий этиш.	Стандартларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилган ёхуд бекор қилинган тақдирда, бу ҳақда ушбу стандартни харид қилган шахсларни Стандартлар электрон фонди орқали хабардор қилиш бўйича интерактив хизмат турини жорий этиш.	Ташкилий чора тадбирлар	2024 йил май	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
13.	Стандартлар нархларини шакллантириш тартиби ва мезонларини белгилаш.	1. Миллий стандартларни тарқатиш нархларини шакллантириш тартиби ва мезонларини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ҳукуматга киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил май 2024 йил июнь 2024 йил август	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобат қўмитаси
14.	Ўз аҳамиятини йўқотганлиги ва маънан эскирганлиги сабабли бекор қилинган давлатлараро	1. “Тартибга солиш гильотинаси” усулида бекор қилинган 5 236 та давлатлараро стандартларни қайта кўриб чиқиш ҳамда стандартларнинг амал қилиш муддатини тиклаш ёки ўрнини босувчи халқаро стандартларни қабул қилиш бўйича	Таҳлилий маълумот	2024 йил июнь	Ўзбекистон стандартлар институти, манфаатдор

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	стандартларни қайта кўриб чиқиш.	таклифлар ишлаб чиқиш ва таклифларни Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига тақдим этиш. 2. Вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида стандартларнинг амал қилиш муддатини тиклаш ёки ўрнини босувчи халқаро стандартларни қабул қилиш чораларни кўриш.	Ташкилий чора тадбирлар	2024 йил июль	вазирлик ва идоралар Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
V. Техник жиҳатдан тартибга солишда давлат назоратини такомиллаштириш					
15.	Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси ҳудудий бўлинмаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.	Инспекциянинг ҳудудий бўлинмаларига навбатчи хизмат автотранспорт воситалари ажратиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил май	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
16.	Сертификатлаштириш органларида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан таъсирчан чораларни қўллаш самарадорлигини ҳамда мувофиқликни баҳолаш органларининг масъулиятини ошириш.	1. Қонун ҳужжатларига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш: мувофиқликни баҳолаш қоидаларининг бузилиши натижасида оқибат келиб чиққан ёки чиқмаганлигидан ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолати бартараф этилган ёки этилмаганлигидан қатъий назар молиявий санкция қўллаш; инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган тақдирда мувофиқликни баҳолаш органларининг товарнинг (иш, хизмат) сотувчиси, тайёрловчиси (ижрочиси) билан бир қаторда солидар жавобгарлигини белгилаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил март	Адлия вазирлиги, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Олий суд, Бош прокуратура

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қонунчиликда белгиланган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил апрель	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
		3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ҳукуматга киритиш.		2024 йил май	
		1. Маҳсулотларга белгиланган талабларга зид равишда расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатини бекор қилиш ва сертификатлаштириш органининг сертификатлаштириш жараёнида иштирок этишини тўхтатиб туришнинг мезонлари ва муддатларини белгилаш.		2024 йил апрель	
		2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қонунчиликда белгиланган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишиш.		2024 йил май	
17.	Тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратиш мақсадида стандарт талабларга номувофиқ бўлган маҳсулотларни ўз ихтиёри билан савдодан чақириб олишда имтиёз бериш.	3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ҳукуматга киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил июнь	Адлия вазирлиги, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура
		1. Техник регламентлар ҳамда қўлланиши мажбурий бўлган стандартлар талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотнинг камида 70 фоизини ўрнатилган тартибда чақириб олган юридик шахсларни “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуннинг 46-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган молиявий санкциялардан озод қилишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.		2024 йил апрель	
		2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қонунчиликда белгиланган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишиш.		2024 йил май	
				2024 йил	

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ҳукуматга киритиш.		июнь	
18.	Маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда сифатсиз маҳсулотларни савдодан чақириб олиш, қайтариш, эркин муомаладан чиқариш ва утилизация қилиш тартибини белгилаш.	1. Қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш: сифатсиз маҳсулотларни савдодан чақириб олиш, қайтариш, эркин муомаладан чақириб олиш ва утилизация қилиш тартибини; маҳсулотларни хавф даражасидан келиб чиққан ҳолда тегишли тартиб-таомиллардан ўтгандан сўнг ички бозорга чиқаришни назарда тутувчи рўйхатга олиш, сертификатлаштириш, декларация ва менежмент тизимларини жорий этишни. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қонунчиликда белгиланган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ҳукуматга киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил апрель 2024 йил май 2024 йил июнь	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
VI. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасини Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) нормаларига ўйғунлаштириш					
19.	Европа стандартлаштириш қўмитаси (CEN) ва Европа электротехника стандартлаштириш қўмитаси (CENELEC) билан ҳамкорликда 300 та стандарт бўйича лицензия келишувини имзолаш.	1. Маҳаллий тадбиркорлик субъектлари томонидан келиб тушган мурожаатларга мувофиқ Европа стандартлари рўйхатини шакллантириш. 2. Лицензия келишувини имзолаш бўйича CEN ва CENELEC ташкилотлари музокаралар олиб бориш. 3. Лицензия келишувини CEN ва CENELEC ташкилотларига юбориш ва имзолаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2024 йил давомида	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
20.	Европа давлатлари билан миллий мувофиқликни баҳолаш натижаларини икки	Маҳаллий маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) энг кўп экспорт бўладиган 10 та Европа давлатлари билан миллий мувофиқликни баҳолаш	Ташкилий чора-тадбирлар	2024 йил давомида	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	томонлама тан олиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш.	натижаларини икки томонлама тан олиш бўйича келишувларга эришиш			Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси
21.	Халқаро ташкилотлар ва хорижий ҳамкор идораларнинг грант ва техник кўмаklarини жалб этиш орқали давлат ва хусусий секторда фаолият кўрсатаётган 300 нафар мутахассис малакасини ошириш.	1. Грант ва техник кўмаklarни жалб этиш орқали семинар-трейнинглар ташкил этиш юзасидан музокаралар ўтказиш ва келишиш. 2. Давлат ва хусусий секторда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2024 йил давомида	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги

Изоҳ: Дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишда ишлаб чиқилаётган ҳужжат шакли ўзгартирилиши ёки ишлаб чиқилаётган ҳужжат бошқа бандларда кўзда тутилган ҳужжатлар билан бирлаштирилиши мумкин. Икки ва ундан ортиқ ҳужжатларнинг бирлаштирилишида тегишли бандлар бажарилиши учун белгиланган энг охирги муддат ишлаб чиқиш муддати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 28 февралдаги ПҚ–91-сон қарорига
2-илова

Техник регламентларни қайта кўриб чиқиш ва янгилаш
ДАСТУРИ

T/p	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар, ёрдамчи ижрочилар
I. Қайта кўриб чиқиладиган амалдаги техник регламентлар					
1.	Болалар ўйинчоқлари хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2024 йил апрель 2024 йил май 2024 йил июнь	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худаяров)
2.	Минерал ўғитлар хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2024 йил апрель 2024 йил май 2024 йил июнь	“Ўзкимёсаноат” АЖ (Т.Мухамеджанов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
3.	Аттракционлар хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2024 йил апрель 2024 йил	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (Б.Исламов,) Адлия вазирлиги

T/p	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар, ёрдамчи ижрочилар
		идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.		май 2024 йил июнь	(А.Ташкулов), “Ўзбекгеофизика” АЖ (Юсупжонов), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
4.	Темир йўл таркиби хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2024 йил апрель 2024 йил май 2024 йил июнь	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (З.Нарзуллаев), Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
5.	Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш воситалари хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2024 йил апрель 2024 йил май 2024 йил июнь	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А.Қўлдошев), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Ш.Хидоятлов), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
6.	Таълим муассасалари учун матбаа маҳсулотлари хавфсизлигига доир техник регламентни	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2024 йил май	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги

T/p	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар, ёрдамчи ижрочилар
	такомиллаштириш.	2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.		2024 йил июнь 2024 йил июль	(А.Хаджаев), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
7.	Қишлоқ хўжалиги техникалари конструкцияси хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2024 йил май 2024 йил июнь 2024 йил июль	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
8.	Дон маҳсулотлари хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2024 йил май 2024 йил июнь 2024 йил июль	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), “Ўздонмаҳсулот” АК (Ш.Узаков),

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар, ёрдамчи ижрочилар
					Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
9.	Мойлаш материаллари, техник мойлар ва техник суюқликлар хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2024 йил июнь 2024 йил июль 2024 йил август	Энергетика вазирлиги (Ж.Мирзамахмудов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), “Ўзбекнефтегаз” АЖ (Б.Сидиков), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
10.	Сут ва сут маҳсулотлари хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2024 йил июнь 2024 йил июль 2024 йил август	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худаяров), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
11.	Гўшт ва гўшт маҳсулотлари хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2024 йил июнь 2024 йил июль 2024 йил август	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худаяров),

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар, ёрдамчи ижрочилар
					Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
12.	Тамаки маҳсулотлари хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2024 йил июль 2024 йил август 2024 йил сентябрь	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л.Кудратов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
13.	Радиотехника, электрон ва электр жиҳозларининг электромагнит нурланиши хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2024 йил июль 2024 йил август 2024 йил сентябрь	Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (М.Юнусов), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
14.	Озиқ-овқат маҳсулотларини тамғалаш бўйича техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2024 йил июль 2024 йил август 2024 йил сентябрь	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги

T/p	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар, ёрдамчи ижрочилар
					(А.Худаяров), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов)
15.	Портлаш хавфи бўлган муҳитларда ишловчи асбоб-ўсқуналар хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2024 йил август 2024 йил сентябрь 2024 йил октябрь	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (Б.Исламов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А.Қўлдошев), “Ўзбекнефтгаз” АЖ (Б.Сидиков), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
16.	Газ ҳолатидаги ёқилғида ишловчи аппаратлар хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2024 йил август 2024 йил сентябрь 2024 йил октябрь	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (Б.Исламов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А.Қўлдошев), “Ўзбекнефтгаз” АЖ (Б.Сидиков), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш

T/p	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар, ёрдамчи ижрочилар
					агентлиги
17.	Босим остида ишлайдиган ускуналар хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2024 йил август 2024 йил сентябрь 2024 йил октябрь	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (Б.Исламов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А.Қўлдошев), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
18.	Маҳсулотни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва утилизация қилиш бўйича фаолиятга доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2025 йил март 2025 йил апрель 2025 йил май	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (Адбухакимов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Ш.Хидоятов), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
19.	Металлургия маҳсулотлари хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2025 йил март 2025 йил апрель 2025 йил	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Ш.Хидоятов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов),

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар, ёрдамчи ижрочилар
		киритиш.		май	“Ўзметкомбинат” АЖ (Р.Пирматов), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
20.	Автотранспорт воситалари конструкцияси хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2025 йил март 2025 йил апрель 2025 йил май	Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), “Ўзавтосаноат” АЖ (У.Розукулов), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
21.	Сиқилган табиий газда, суюлтирилган нефть газида ёки дизель ва газсимон ёқилғи аралашмасида ишлайдиган транспорт воситалари хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2025 йил май 2025 йил июнь 2025 йил май	Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (Б.Исламов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), “Ўзбекнефтгаз” АЖ (Б.Сидиков), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
22.	Ғилдиракли транспорт воситалари хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2025 йил май 2025 йил июнь	Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), “Ўзавтосаноат” АЖ

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар, ёрдамчи ижрочилар
		3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.		2025 йил май	(У.Розукулов), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
23.	Алкоголли маҳсулотлар хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2025 йил март 2025 йил апрель 2025 йил май	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л.Кудратов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худаяров), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
24.	Мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотлари хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2025 йил май 2025 йил июнь 2025 йил май	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худаяров), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
25.	Алкоголсиз, газланган, кучсиз	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Вазирлар	2025 йил	Қишлоқ хўжалиги

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар, ёрдамчи ижрочилар
	газланган, газланмаган, алкогольсиз энергетик ичимликлар хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	май 2025 йил июнь 2025 йил май	вазирлиги (И.Абдурахмонов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худаяров), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
26.	Идишда қadoқланган ичимлик суви хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2025 йил март 2025 йил апрель 2025 йил май	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худаяров), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
27.	Ветеринария дори воситалари ва озуқа қўшимчалари хавфсизлигига доир техник регламентни такомиллаштириш.	1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамадан ўтказиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш учун Ҳукуматга киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2025 йил май 2025 йил июль 2025 йил август	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худаяров), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш

T/p	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар, ёрдамчи ижрочилар
					агентлиги
